

СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ТУРЛАРИ ВА УНИ ҚЎЛЛАГАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИГА ОИД

Сайфуллаев Нодирбек Улуғбек ўғли

Мустақил тадқиқотчи

*“Ҳар қандай юқори даражадаги режа
жанг майдонида вужудга келади”*

Амир Темур

Ушбу мақолада давлатлар пайдо бўлган вақтдан бошлаб улар томонидан ишлаб чиқилган ёки амалиётда қўлланилган стратегияларнинг турлари, улардан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган ҳамда ушбу стратегиялардан самарали фойдаланган хорижий давлатлардан мисоллар келтирилган. Шунингдек, стратегик режалаштиришнинг оддий режа ёки режалаштиришдан фарқли томонлари илмий жиҳатдан очиб берилган.

В данной статье рассматриваются виды стратегий, разрабатываемых или используемых государствами с момента их создания, особенности их использования, а также примеры иностранных государств, которые эффективно использовали эти стратегии. Также научно выявлены аспекты стратегического планирования, отличающиеся от обычного плана или планирования.

This article examines the types of strategies developed or used by states since their inception, the specific aspects of their use, and examples of foreign states that have effectively used these strategies. Also, the aspects of strategic planning that are different from ordinary planning or planning have been scientifically revealed.

Калит сўзлар: стратегик режалаштириш, доминант стратегия, мўлжалланган стратегия, пухта ўйланган стратегия, келишилган стратегия, миқдорий мақсад, сифат мақсади, тактик мақсад, “япон мўжизаси”, “кореа мўжизаси”.

Тарихдан бунунги кунга қадар ҳар қандай алоҳида индивиддан тортиб шахс, гуруҳ, жамоат ташкилотлари, ҳаттоки давлатгача доимо ўз олдида барча позицияларда келажакдаги ишларини белгилаб олиш учун режалар тузишади.

Биз яшаётган кундалик ҳаётда ҳам ҳар бир шахс ўзининг бажариши керак бўлган амалларини у ёки бу даражада режалаштиради. Зеро, инсонга берилган онгнинг муҳим вазифаларидан бири ҳам англаш ва шу орқали режалаштиришдир. Шу ўринда режалаштириш ўзи нима? У нима учун керак? Стратегик режалаштириш билан оддий режалаштиришнинг фарқи нима? деган табиий савол туғилади. Бир қарашда бу икки тушунчанинг бир биридан фарқи деярли йўқдек кўринади, аммо соҳани тадқиқ қилган ва ўрганган мутахассисгина буларнинг ўртасидаги фарқни ажрата олади. Келтирилган тезисга факт сифатида айтиш мумкинки, барча режалаштирилган нарсалар ҳам

стратегия бўлавермайди. Стратегик режалаштиришга оддий бир режа ёки жараён сифатида қарашади, бироқ аслида бундай эмас. У пухта ўйланган ва сиёсий-иқтисодий ҳисоб-китоблар билан ўлчанган бўлиши шарт ва лозимдир. Фақатгина шу юқори (сифат назарда тутилмоқда) даражада режалаштиришга стратегик режалаштириш десак тўғри бўлади.

Давлат ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, илмий техникавий ва бошқа соҳаларида стратегик режалаштиришнинг аниқ механизмлари мавжуд эмаслиги, давлатларда барқарор ривожланиш жараёнлари кузатилмаганлиги, аниқ режа ва ҳаракатларнинг етишмаслиги натижасида минтақавий ва халқаро муаммолар глобал аҳамият касб этмоқда.

Соҳани ўрганаётган мутахассис сифатида айтишимиз мумкинки, режалаштириш ҳақида қанча кўп ўқиган одам шунча чуқурроқ ўрганишни бошлашни ҳамда юқори даражада режалаштириш эса ўз навбатида бир биридан қизиқ ва мураккаб ўйин комбинацияларидан иборат бўлишини тушуниб етади. Шу нуқтаи-назардан соҳани етук даражада билиш учун стратегик режалаштириш турлари ва талаблари билан яхши таниш бўлиш лозимлиги талаб қилинади. Бугунги кунгача соҳа олимлари томонидан ўрганилган ва амалиётда бир марта бўлса ҳам қўллаб кўрилган стратегик режалаштириш турлари¹ сифатида қуйидагиларни мисол келтириш мумкин:

- Режалаштирилган стратегия;
- Мўлжалланган стратегия;
- Пухта тайёрланган стратегия;
- Буюрилган стратегия;
- Амалга оширилган (реализация қилинган) стратегия;
- Амалга ошмаган (реализация қилинмаган) стратегия;
- Пайдо бўлаётган стратегия;
- Доминант стратегия;
- Келишилган стратегия.

Ушбу юқорида санаб ўтилган барча турдаги стратегиялар ўзининг мураккаб комбинациялари, амалга ошириш субъектлари ва бошқа ўзига хос жиҳатлари билан бир биридан фарқ қилади. Шулардан бир қанчасини кўриб чиқамиз.

Доминант стратегия – стратегиянинг шундай турики, исталган, танланган ёки рамзий “рақиблар” нима иш қилишларидан, қандай усулларни қўллашларидан ва сизни тўхтатиб қолиш учун жуда катта куч ва имкониятларини сафарбар қилишларидан қатъий назар режалаштирувчида албатта ютиш имконияти кафолатланган бўлади. Кези келганда буни покер

¹ Стратегик режалаштириш ва стратегик бошқарув. Стратегик режалаштириш воситалари. <https://uz.techconfronts.com/17170657-strategic-planning-and-strategic-management-strategic-planningtools#menu>.

ўйинидаги гўёки кўлида учта “туз” йиғилган омадли шахсга қиёсласак бўлади.²

Пухта тайёрланган стратегия – бу ҳам юқори даражада режалаштиришнинг шундай ўзига хос бир тури бўлиб, унда тизимли таҳлилнинг барча турларидан, жумладан, математик, қиёсий, SWOT, омилли, “НМ” ва бошқа барча турдаги таҳлиллардан фойдаланган ҳолда тайёрланади ҳамда стратегия муддати тугаб, ишлар сарҳисоб қилинганда, қўйилган мақсадларга тўлиқ эришилган, мақсадга эришишда энг мақбул йўллардан фойдаланилган, энг кам ҳаражат сарфланган, стратегияни амалга оширишда вужудга келган муаммоли вазиятлар, янги хавфлар ва замонавий геосиёсий тенденцияларга ҳам етарлича баҳо берилган ва самарали ечим топилган бўлади.

Мўлжалланган стратегияда – эса доимо иккинчи мақсад бўлади. Яъни, қўйилган асосий мақсаддан ташқари бирон бир исталган ҳолатнинг ёки вазиятнинг амалга ошиши, ишлаб чиқувчи ёки буюртмачи учун етарли бўлади.

Бунга мисол сифатида, 2017 йилда қабул қилинган Ўзбекистонни ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналишлари бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да “ягона дарча” тамойили асосида Давлат хизматлари маркази (ДХМ) тизимини жорий қилиш ва кўрсатилаётган хизматларни тўлиқ ушбу принцип асосида ишлашга ўтказиш мақсад қилинган эди³. Стратегия якунлари бўйича давлат хизматлари жамият ҳаётига жорий қилиниб, тизими яратилди. Бироқ, давлат бошқаруви ва ҳокимият органлари томонидан амалга оширилиб келинаётган хизматлар тўлиқ ДХМга ўтказишга эришилмади. Ушбу ҳолатда эришилган натижанинг ўзи ҳам самарали ислоҳот бўлиб, мақсаднинг амалга ошмаган қисми билан чегараланилди. Қўйилган мақсад кейинги давлат стратегияларида босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда.

Буюрилган стратегия – бу ҳам стратегиянинг шундай бир туридирки, бунда ташаббус таҳлилчи ёки реал вазиятдан келиб чиқиб белгиланмасдан балки, ижрочи олдида қўйилган вазифани бажариш учун ишлаб чиқилган бўлади холос. Шу сабабли ҳам ҳар бир режалаштирувчига бу турдаги стратегиядан қочиш тавсия этилади.

Стратегик режалаштириш жараёнида яна шу жиҳатни эътиборга олиш лозимки, буларнинг барчасига тегишли бўлган умумийлик режалаштирилганлик бўлса ҳам уларнинг айримлари амалга ошмаслиги мумкин. Бунга сабаб тайёрловчилар томонидан стратегик режа ишлаб чиқиш жараёнида барча жиҳатлар инобатга олинмаганлиги, қайта таъсир назарияси ҳисобга олинмаганлиги кабилар бўлиши мумкин. Жумладан, қайта таъсир

² Доминантлик (ўйинлар назарияси) // .ru.wikipedia.org/wiki/Доминирование_(теория_игр).; 1944 йилда Жон Фон Нейман ва Моргенстернинг “Ўйинлар назарияси ва хулқ-атвор” китоби асосида.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 февраль кундаги ПФ-4749-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

назарияси стратегик мақсадларни шакллантиришда жуда муҳим босқич ҳисобланиб, қўйилган мақсад, реал ва ишловчан бўлиши учун хизмат қилади. Яъни, унга кўра, ҳар бир белгиланаётган мақсаднинг таклиф берувчиси реал вазият билан исталган вазият ўртасидаги фарқ билан ишловчи шахс бўлишига кўмак беради, ҳамда бунинг натижасида, бир сўз билан айтганда, назарияга ҳам амалиётга ҳам ярайдиган таклиф шаклланади.

Стратегик режалаштиришнинг мавжуд турларидан ташқари унга қўйилган шундай талаблар борки, булар ҳам стратегик режалаштиришнинг оддий режалаштиришдан фарқини ажратишга ёрдам беради. Соҳага оид илмий адабиётларда стратегик режалаштириш доимо муддатли ва муайян жараён сифатида берилган. У асосан ёзма ҳужжатлар, чизмалар ва диаграммалар кўринишида бўлиши ҳамда ҳар доим олий ёки биринчи даражали (агар мамлакатда парламентлик бошқаруви бўлса, бош вазир билан, президентликда президент ёки монархия бўлса, амир ёки олий раҳнамо) раҳбар билан келишилган бўлишига аҳамият берилади, бу унинг амалиётга чидамлилигини кўрсатади. Мавжуд кутилган келажак қанчалик чуқур ўйланган бўлишига қарамасдан, стратегик режага реал вазиятдан келиб чиқиб баҳо берилади. Соҳибқирон Амир Темур айтганидек, “Ҳар қандай юқори даражадаги режа жанг майдонида вужудга келади”⁴.

Мисол учун: Япониянинг “Ҳонда” компанияси АҚШга кирганида кўпроқ юқори қувватга эга бўлган мотоциклларни сотишни режалаштирган, бироқ сотиш жараёнида ўрта ва кам қувватли маҳсулотлар кўпроқ сотилган ва бу жараён бош режани ўзгартириб юборган.⁵

Таъкидлаш жоизки, ушбу стратегик режалаштириш турларини бир қатор давлатлар муваффақиятли амалга ошириб, аниқ натижаларга эришган.

Жумладан, Францияда 1940-1990 йилларда 4-5 йил муддатга мўлжалланган II та ўрта муддатли режалар ишлаб чиқилган. Ҳар бир кейинги режани ишлаб чиқиш давомида аввалги режа даврида жамиятда вужудга келган муаммолар ва ижтимоий-иқтисодий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда янги мақсад ва вазифалар тизими шакллантирилган. Давлат ресурсларини марказлаштирган тақсимотини ўз ичига олган. Француз стратегик режалаштиришининг яна бир ўзига хос жиҳати унда сонлар кетидан қувиш эмас, балки “қандай қиламиз” деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилинган.

Стратегик режалаштириш марказлашмаган ҳолда амалга оширилиб, режалар ва дастурлар давлат, шаҳарлар ҳамда корпорациялар даражасида рўёбга чиқарилган. Бу эса юқорида айтиб ўтилган “мўлжалланган стратегия”га мисол бўлади.

⁴ Шарафиддин Али Йаздий. “Зафарнома”. Т.; “Шарк”, 384, 1997 й. // <https://ziyouz.com/books/tarixiy/Sharafiddin%20Ali%20Yazdiy.%20Zafarnoma.pdf>.

⁵ Сиёсий фанлар доктори Бахтиёр Омон. “Япония иқтисодиётининг мўжизалари” номли мақола. Нуробод тумани ҳокимлиги веб-сайти. 2019 й.

Японияда эса 1950-1970 йилларда режалаштириш ва аниқ дастурлар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича ҳаракат қилинган. Узоқ муддатли режалар деб беш йиллик дастурлар қабул қилинган. Режада асосан услубий кўрсатмалар, соҳа ва тармоқларга йўриқномалардан иборат бўлган. Японияда стратегик режалаштиришнинг ўзига хос жиҳати ва Франция тажрибасидан фарқи соҳани ривожлантириш учун сонлар ва аниқ ўсиш индикаторлари белгиланган. Мисол учун: “Япон мўжизаси” амалга оширилган йилларда ҳам бу каби мақсадлар белгилаб олинган. 1961-1971 йилларга мўлжалланган режада ҳам “миллий даромадларни икки баравар ошириш режаси” бўлган.

Жанубий Корея давлати ҳам узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда етакчи бўлган. Хусусан, 1962 йилда Халқаро тараққиёт агентлиги (АҚШ), Халқаро валюта фонди (ХВА) нинг экспертлари иштирокида 20 йилга мўлжалланган “Жанубий Корея Республикасининг узоқ муддатли ривожланиш дастури” қабул қилинган ва бунда экспорт саноатини биринчи ўринга қўйиш ҳамда юқори ўсиш даражасига эришиш мақсад қилиб олинган ва амалда ушбу вазифа бажарилиб, “Корея мўжизаси”ни кўрсатган. Япония ва Корея давлатларининг ушбу қўллаган тажрибалари “пухта ўйланган стратегия”га мисол бўлади.⁶

Қайд этиш керакки, стратегик режалаштиришнинг илмий назарияси билан шуғулланган олимлар стратегик режалаштиришнинг афзалликлари билан биргаликда камчиликларини ҳам санаб ўтишади. Унга кўра:

Стратегик режалаштиришнинг афзалликлари:

- Ишнинг кординациялашуви;
- Узоқни кўра билиш;
- Назорат қилиш имкони юқорилиги;
- Амалга оширувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ бўлиши;
- Мақсадга етишга қаратилган бир қатор сценарийларнинг ишлаб

чиқилганлиги.

Стратегик режалаштиришнинг камчиликлари:

- Прогноз қийин кечади;
- Эҳтимолик доим сақланиб туради;
- Директив хусусият сезилиб туради;
- Қолипга солиб қўйиш ва протекционизмнинг бир кўриниши сифатида

намоён бўлади;

- Шахсий ривожланишга ва янгиликларга тўсқинлик қилади.

Ҳозирда Стратегик режалаштиришга асосан иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи деб, инсон фаолиятининг маҳсули тарзида қарашлар мавжуд ва ҳозирда Европа давлатларида стратегик режалаштириш алоҳида фан сифатида ўтилади ҳамда турли ёндашувлар асосида ривожланади:

⁶ Қаранг: Мустақил изланувчи А.Шарипов. “Стратегик режалаштириш тизимини шакллантириш бўйича хорижий тажриба”. 24-бет. 2021 йил. Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби архиви.

- Аниқ-тарихий ёндашув – режалаштириш муносабатларини турли хил омиллар воситасида ва ўзгариш босқичида бўлган жараён сифатида ўрганади;
- Тизимли ёндашув – мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараёнларда эҳтимолий амалга оширилиши миқдорий ва сифат кўрсаткичлар билан белгиланади;
- Комплекс ёндашув – бу усул воқеаларни ўзаро боғлиқлиги ва алоқалар даражасини кўриб чиқади;
- Моделлаштириш – бу режалаштирилаётган жараён моделини яратиш бўлиб, бунда жараённинг энг муҳим хусусиятлари ёритилган бўлади;
- Махсус тадқиқотлар усули – режалаштиришни миқдорий ўлчаб бўладиган ва миқдорий ўлчаб бўлмайдиган жараёнга бўлади. Мисол учун маънавий таҳдидларнинг аниқ ўлчаш воситаси йўқ, булар асосан социологик тадқиқотлар ўтказиш йўли билан аниқланади.

Бундан ташқари, ўрганишларимиз давомида стратегик режалаштириш жараёнининг мантиқий таркибий тузилиши сифатида қуйидагиларни айтишимиз мумкин. Яъни:

1. Ташкилот миссияси;
2. Ташкилот мақсади;
3. Ташқи муҳитни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
4. Ички муҳитни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
5. Стратегик имкониятларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш;
6. Стратегияни тайёрлаш;
7. Стратегияни амалга ошириш;
8. Стратегик натижаларни баҳолаш ва бошқалар.

Ушбу тузилиш асосан йирик тадбиркорлик соҳасидаги фаолият юритаётган компанияларга тегишли бўлса-да, давлат бошқарувида ҳам ўз самарасини бериб келмоқда. Зеро стратегик режалаштириш кўп ҳолларда иқтисодий категория сифатида майдонга чиқиши ҳам шундандир.

Стратегик режалаштириш жараёнини ўрганган ғарб олимлари ташкилот ёки институт ўлароқ давлат олдида қўйилган мақсадлар ҳам режалаштиришда асосий ўринга эгадир. Шу сабабли мақсадларни ҳам турларга ажратиш ва шундан келиб чиқиб, мақбул мақсадларни белгилаш тавсия этилади.

Мақсадлар турлари:

1. Миқдорий мақсад;
2. Сифат мақсади;
3. Тактик мақсад;
4. Стратегик мақсадлардир.

Юқоридаги мақсаднинг турлари ишлаб чиқилагаётган стратегияда шундай танланиши керакки, келажакда мақсад ҳужжатнинг ишлашига ва қўйилган мақсадларнинг амалга ошириш имкониятига тўсиқ бўлмаслиги керак. Ахборот

таҳлил фаолиятида муҳим бўлган тизимли таҳлилдаги “сўнги мақсадни аниқлаш” принципи ҳам айнан шу ерда қўл келади. Агар мақсад ноаниқ ёки тўлиқ бўлмаса, хулоса ва натижа ҳам кутилганидек бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам тўғри мақсадни танлаш ниҳоятда муҳимдир.

Бунга амалий мисол сифатида, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида 2030 йилга қадар Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулотини 160 млрд АҚШ долларига етказиш миқдорий мақсад қилиб олинган⁷. Бироқ, бу ҳолатда мақсадга қандай эришиш йўллари таъминловчи сифат ҳамда тактик мақсадлар кўрсатилмаган. Ўз навбатида буни стратегик мақсадни шакллантиришдаги камчилик деб қабул қилиш мумкин.

Яна шуни ҳам эътиборга олиш керакки, барча стратегик режалаштириш ишлари ҳам кутилганидек амалга ошмаслик эҳтимоли мавжуд. Бу жараёни ўрганган олимлар сабабларни икки гуруҳга бўлишган. Хусусан:

Стратегияни амалга ошмаслигига сабаблар:

- Нотўғри ўтказилган таҳлил ва хато хулосалар;
- Ташқи муҳитда кўзда тутилмаган ўзгаришлар;
- Стратегияни амалга оширишда ички салоҳиятни мавжуд эмаслиги.

Стратегияни муваффақиятли амалга ошишига сабаблар:

➤ Мақсадлар ва тадбирларнинг юқори даражада сифатли режалаштирилганлиги ва мувофиқлаштирилганлиги ҳамда соҳанинг чуқур, тизимли таҳлили амалга оширилганлиги;

➤ Етук ва малакали ходимлар билан таъминланганлик, ҳар бир мақсад алоҳида ресурслар билан етарлича таъминланганлиги.

Стратегик режалаштириш турларини ўзида қўллаган ва юқорида санаб ўтилган ривожланган давлатлар ўзларининг ҳар навбатдаги стратегияларида камчиликларини тўлдириб борганлар ва муваффақиятли амалга ошганлари мақсадларини тартибли равишда кўпайтиришга ҳаракат қилганлар.

Шунингдек, стратегик режалаштириш жараёнида муҳит назариясини ҳам инобатга олиш талаб қилинади. Яъни, асосан макро ва микро муҳит бўлади. Макро муҳитга иқтисодий ҳолат, ҳуқуқий тартибга солиш, сиёсий жараёнлар, табиий муҳит, ресурслар, инфраструктура ва илмий-техникавий ҳолат кирса, микро муҳитга бўлса, кадрлар салоҳияти ва бошқарувни ташкил қилиш кабилар киради.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, барча режалаштирилган нарсалар ҳам стратегия бўлавермайди. Лекин барча стратегиялар пухта ўйланган ва сиёсий-иқтисодий ҳисоб-китоблар билан ўлчанган бўлиши шарт. Афсуски бугунги кунда режалаштиришга кўпчилик оддий бир режа ёки жараён сифатида қарайди.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 11 сентябрь кундаги ПФ-158-сонли “Ўзбекистон- 2030” Фармони.

Юқорида кўрсатилган стратегик режалаштириш турлари ва талабларидан келиб чиқиб, бугун Ўзбекистон шароитида шундай юқори сифатли, унумдор режа ишлаб чиқилиши керакки, бир қарашда содда, барча ҳаётий муҳим манфаатлар ва мақсадларни ўз ичига қамраб олган, яшовчан ҳамда доминантлиги таъминланган бўлиши керак. Шундагина ўзимиз режалаштирган муддатларда ривожланган давлатлар сафидан ўрин эгаллашимиз мумкин бўлади.